



## О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRINING BUYRUG‘I

2«iyun»2023 yil.

01/734-A/F-son

### Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг низомини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–114-сон қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Қуйидагилар:

- а) Стратегик режалаштириш ва методология бўлимнинг низоми 1-иловага;
- б) Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимнинг низоми 2-иловага;
- в) Коррупцияга қарши курашиш бўлимнинг низоми 3-иловага;
- г) Ахборот хизматнинг низоми 4-иловага;
- д) Ички аудит ва назорат бошқармасининг низоми 5-иловага;
- е) Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича вазир маслаҳатчисининг низоми 6-иловага;
- ё) Вазир котибият бошлиғининг низоми 7-иловага;
- ж) Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми бўлимнинг низоми 8-иловага;
- з) Юридик бўлимнинг низоми 9-иловага;
- и) Халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар бўлимнинг низоми 10-иловага;
- й) Девонхона бўлимнинг низоми 11-иловага;
- к) Мурожаатлар билан ишлаш бўйича низоми 12-иловага;
- л) Ёшлар сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш департаментнинг низоми 13-иловага;
- м) Ёшларнинг иқтисодий имкониятларини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бўлимнинг низоми 14-иловага;
- н) Ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш бошқармасининг низоми 15-иловага;
- о) Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўлимнинг низоми 16-иловага;
- п) Оммавий ва этно спортни ривожлантириш бўлимнинг низоми 17-иловага;
- р) Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш бошқармасининг низоми 18-иловага;

- с) Олимпия спорт турларини ривожлантириш бўлимнинг низоми 19-иловага;
- т) Паралимпия, қишки ва экстремал спорт турларини ривожлантириш бўлимнинг низоми 20-иловага;
- у) Профессional ва ихтисослаштирилган спорт таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимнинг низоми 21-иловага;
- ф) Спорт тадбирлари мониторингини юритиш бўлимнинг низоми 22-иловага;
- х) Миллий ва ноолимпия спорт турларини қуллаб-қувватлаш бўлимнинг низоми 23-иловага;
- ц) Таълим муассасалари билан ишлаш ва услубий таъминлаш бўлимнинг низоми 24-иловага;
- ч) Спорт мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимнинг низоми 25-иловага;
- ш) Спорт нормативларини ўтказиш бўлимнинг низоми 26-иловага;
- э) Молия-иқтисод бўлимнинг низоми 27-иловага;
- ю) Бухгалтерия ҳисоби бўлимнинг низоми 28-иловага;
- я) Инвестиция дастурлари ва инфратузилма бўлимнинг низоми 29-иловага;
- ў) Маркетинг, аутсорсинг ва ДХШни ривожлантириш бўлимнинг низоми 30-иловага;
- к) Давлат харидларини ташкил этиш бўлими тўғрисидаги низоми 31-иловага;
- ғ) АКТни жорий этиш ва рақамлаштириш бўлимнинг низоми 32-иловага;
- х) Хўжалик бўлимнинг низоми 33-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазир котибияти, департамент, бошқарма ва бўлим бошлиқларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда департамент, бошқарма (бўлим) ходимларнинг низомига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиш вазифаси юклатилсин

3. Девонхона (С.Расулова)га ушбу буйруқ билан вазирлик марказий аппарати ходимларини таништириш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Саъдуллаев ва вазир ўринбосарлари Д.Рахимова, Ш.Махмудов ҳамда М.Исмаилов зиммаларига юклатилсин.

**Вазир**



**А.Икромов**